**№ 11-01/75**
**13.04.2022й.**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Навоий вилоят ҳокими в.б.**
**Н.Т.Турсунов**
8 04 2022 йил

**Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши**
**БАЁНИ**

**2022 йил 8 апрель** **Навоий шаҳри**

**Раислик қилувчи:** **Н.Турсунов** - вилоят ҳокими в.б.

**Қатнашдилар:** Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ҳасанов, Бобомуродов, Душанов, Мирзаев, Мамадиярова), вилоят сектор раҳбарлари (Аҳмедов, Тасбаев, Ботиралиев), шаҳар, туман сектор раҳбарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари *(рўйхат бўйича)*

**К У Н  Т А Р Т И Б И:**

1. **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, терак ва бошқа дарахт қаламчаларини экиш ишларини ташкиллаштириш, туман (шаҳар)ларда намунавий маҳалла ташкил этиш бўйича** туман, шаҳар ҳокимликлари ва тармоқ эгалари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида;

2. **Чигит экиш ишларини ташкиллаштириш** бўйича соҳа вакиллари, бириктирилган масъуллар ҳамда туманлар ҳокимликлари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида;

3. Жорий йилнинг май ойида ўтказиладиган **Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш** ва уни ўтказиш тўғрисида;

4. Қорақалпоғистон Республикаси **Чимбой туманида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш** бўйича мутасаддилар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида;

5. Бирламчи тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида **“Маҳалла тиббиёт пунктлари”**ни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида;



6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг жорий йил 5 февралдаги 02/1-2160-сонли топшириғи ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги **“Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”**ги 104-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган ўрганиш натижалари тўғрисида.

*(Турсунов, Шерматов, Умаров, Файзиев, Облақулов, Низамов, Бозоров, Ражабов, Бобомуродов, Ҳасанов, Душанов, Мирзаев, Ўроқов, Пардаев, Ҳамроев, Шамуротов, Примов, Турсунов)*

Кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят ҳокими ўринбосарлари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва шаҳар, туман ҳокимларининг берган ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг барча ўринбосарлари ўзларининг тегишли комплексларига кирувчи корхона ва ташкилотлар бўйича бахорги дарахт кўчат экиш ишлари таҳлилини **кунлик танқидий муҳокама** қилиб бу борадаги вазифаларни жадал давом эттирсинлар ҳамда белгиланган ҳудудларда экилган дарахт кўчатларини **“Yashil Makon” электрон платформасига киритилишини** таъминлаб борсинлар.

Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Шерматов**) ҳамда вилоят Кадастр агентлиги (**Нишонов**) **уч кун муддатда** туманлардаги кўчат экиш бўйича мавжуд бўш ерларни аниқлаб, вилоят ҳокимига таклиф киритсин.

3. Барча туманлар ҳокимлари, сектор ва соҳа раҳбарларига:

ҳудудлардаги захира ер майдонларини фуқаролар йиғинларига қонуний асосда ажратиб бериш, ушбу ер майдонларига терак қаламчаларини экиш ва парваришини ташкил қилиш;

**уч кун муддатда** “Ўздаверлойиҳа” институти вилоят бўлими (**Шовкиев**) билан бирга вилоятда мавжуд терак плантацияларини хатловдан ўтказилишини ва хатлов натижалари асосида ҳокимликлар маълумотлари билан солиштирма жадвалларни шакллантириб вилоят ҳокимига ахборот киритиш;

барча туман ва шаҳарлар ҳокимларига танланган ерларни терак экишга тайёрлаш, ариқ очиш ва бошқа бир қатор агротехник тадбирларга зарур қишлоқ хўжалиги **техника воситалари ва мутахассисларни жалб қилиш**;

Навоий (**Бозоров**) ва Ғазғон (**Базаров**) шаҳарлари ҳамда Томди (**Алдабергенов**) ва Учқудуқ (**Ҳамроев**) туманлари ҳокимликлари **икки кун муддатда** Кармана, Навбаҳор ва Нурота туманларида терак плантациялари барпо этиш учун очиқ ер майдонларини танлаб, белгиланган тартибда маҳаллаларга ижара асосида ажратиш;

**уч кун муддатда** барча шаҳар ва туманлар ҳокимлари **“Хатирчи намунаси” асосида** маҳалла тасарруфига камида 2-3 гектар очиқ ер майдони ажратиб, ушбу ер майдонларида терак плантацияларини ташкил қилишни таъминлаш вазифалари юклатилсин.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш бошқармаси (**Ўроқов**) шаҳар ва туманлар ҳокимларига услубий тавсиялар бериб, бу ишларни **шахсан** назоратга олган ҳолда вилоят ҳокимига **кунлик** ахборот бериб борсин.

Вилоят Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (**Ўроқов**), Фавқулодда вазиялар бошқармаси (**Пўлатов**) ва Халқ қабулхонаси (**Кувондиқов**)лар тераксор барпо этиш учун очиқ ер майдонларини маҳаллалар тасарруфига ўтказилиши билан боғлиқ вазифалар ижросини **қатъий назоратга** олган ҳолда **кунлик мониторингини** юритиш ва камчиликларга йўл қўйган ҳокимлар фаолияти юзасидан тақдимномалар киритиб борсин.

4. 2022 йил ҳосили учун баҳорги қишлоқ хўжалиги экинлари (чигит, соя, картошка, сабзи, пиёз) экиш бўйича Кармана (**Умаров**), Конимех (**Эгамкулов**), Қизилтепа (**Файзиев**) ва Навбаҳор (**Облақулов**) туманлари ҳокимлари томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида ташкил этилмаётганлиги **кўрсатиб ўтилсин.**

Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Шерматов**) ҳамда Марказий банк (**Пардаев**) Қизилтепа тумани пахта кластерига ҳисоб рақам очиш бўйича юзага келган мавжуд муаммони **бир кун муддатда** ҳал этиш чорасини кўрсинлар.

5. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Шерматов**), вилоят Агроинспекция (**Рашидов**), вилоят кадастр агентлиги (**Нишонов**):

вилоят Агроинспекция (**Рашидов**) **бир кун муддатда** талаб этиладиган сертификатланган уруғлик картошка жамғариш ишларини якунига етказиш;

Навоий шаҳар (**Базаров**), Зарафшон шаҳар (**Раджабов**), Учкудуқ (**Ҳамров**) ва Томди (**Алдабергенов**) туманларига қишлоқ хўжалиги туманларидан картошка экиш учун ижарага ер ажратиш масалаларини ҳал этиб, улар томонидан картошка экиш ишларини ташкиллаштириш;

**бир кун муддатда** пахта кластерлари томонидан **соя уруғлигини** фермер хўжаликларига етказиб берилиши ва экилишини таъминлаш топширилсин.

Мазкур масалалар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимига **кунлик маълумот** киритиб борилиши таъминлансин.

**Назорати – Б.Нунназаров ва К.Шерматовларга.**

6. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, Адлия бошқармаси ҳамда тегишли масъуллар томонидан вилоятда **фуқаролар йиғинлари раисларини сайловини ташкил этиш** билан боғлиқ масалалар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, белгиланган вазифа ва топшириқлар ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида ташкил этилмаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.



7. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш, камчиликларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида:

вилоят Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (**Ўроқов**) ҳудудий комиссиялар томонидан тақдим этилган Ишчи гуруҳлари раҳбарлари рўйхатларини мутасадди ташкилотларга киритсин ва уларни белгиланган тартибда комиссия ишини ташкил этишга жалб этилишини назоратга олсин;

шаҳар ва туман ҳокимлари **уч кун муддатда** сайлов ўтказиладиган манзил ва объектлар рўйхатини **шахсан кўриб чиқиб,** ҳар бир объектни зарур моддий техника воситалари билан таъминлашини ташкил қилсин;

шаҳар ва туман ҳокимлари **уч кун муддатда** фуқаролар йиғинлари раислигига номзодлар рўйхатларини шакллантирилган ҳолда вилоят Кўмаклашувчи комиссияси (**Ҳамроев, Ўроқов**)га киритилиши таъминлансин;

ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимларига жорий йил июнь ойининг 5 санасига қадар сайлов якунлари тўғрисида журналистлар учун **брифинг ташкил этиш** вазифаси юклатилсин.

8. “Навоий вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида 2022-2023 йилларда амалга ошириладиган манзилли чора-тадбирлар Дастури”да белгиланган тадбирлар ҳамда амалга оширилиши белгиланган инвесиция лойиҳаларининг ишга туширилиши бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда тегишли тижорат банклари томонидан олиб борилаётган ишлар қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин ва **огоҳлантирилсин.**

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (**Нурмуродов**), Марказий банк (**Х.Пардаев**) ва тегишли тижорат банклари ҳамда туман, шаҳар ҳокимликлари **уч кун муддатда** лойиҳа ташаббускорлари билан бирга Чимбой туманининг **ўзлари масъул бўлган овул (маҳалла) фуқаролар йиғинига** бориб ва белгиланган инвестицион лойиҳаларни ишга туширилишини ташкиллаштирсинлар ҳамда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўрсинлар.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида Навоий вилояти тадбиркорлари ташаббуси билан амалга оширилиши кўзда тутилган инвестицион лойиҳаларга **кредит маблағлари ажратиш ишларининг боришини** алоҳида назоратга олиш вилоят прокуратураси (**Ахмедов**)дан сўралсин.

11. Вилоят Соғликни сақлаш бошқармаси (**Расулов**) Чимбой тумани бўйича белгиланган дастурга мувофиқ, Чимбой туманидаги **10 нафар юрак касалликлари билан хасталанган беморлар**ни операция қилиш ишларини охирига етказиб, натижаси бўйича бир ҳафта муддатда вилоят ҳокимлигига маълумот тақдим этилсин. **Назорати Я.Душановга**

12. **Шаҳар туман ҳокимликлари**, вилоят Иқтисодий тараққиёт бошқармаси (**Нурмуродов**), Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (**Ғаффоров**), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Шерматов**), вилоят Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси (**Турдиев**), вилоят Марказий банк бош бошқармаси (**Пардаев**) ва **тижорат банклари** раҳбарлари вилоят ҳокими томонидан жорий йил **2 апрелда тасдиқланган график асосида** Қорақолпоғистон Республикаси **Чимбой туманига ташриф буюриб,** белгиланган вазифалар, топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминланишини ҳамда лойиҳаларни тармоқ жадвали (сетевой график)да белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминласинлар.

Ушбу масала бўйича мутасаддилар томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида К.Нурмуродов ва Э.Ғаффоровлар вилоят ҳокимига **ҳар ҳафта** таҳлилий маълумот киритиб борсин.

13. **Беш кун муддатда** вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Бобомуродов, Душанов**), Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Расулов**) ва "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси (**Турдиев**) туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда **маҳаллаларда тиббиёт пунктлари (контейнер)ларни** ўрнатиш жойларини белгилаш, уларни белгиланган манзилга етказиш ва мослаштириш, ўрнатиш, тиббий-санитар ҳолатлари, электр энергия, газ. ичимлик сувлар билан таъминланиши ободонлаштириш ҳамда барча талаб этиладиган меъёрлар асосида ташкил этилишини таъминласинлар.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Расулов**) мазкур ташкил этиладиган пунктларни зарур тиббий буюмлар ва дори дармон воситалари билан таъминлаш ҳамда тиббий ходимларнинг 8:00 дан 20:00 гача бўлган фаолиятини таъминлаш ва пунктлардан самарали фойдаланиши йўлга қўйсин.

Вилоят Молия бошқармаси (**Очилов**) контейнерларни ўрнатиш ва зарур тиббий буюмлар ва дори дармон воситалари билан таъминлаш учун зарур маблағ ажратиш бўйича асосланган таклифлар киритсин.

14. Вилоят Халқ депутатлари Кенгаши котибияти (**Ҳамроев**)га вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари томонидан аҳоли турмуш тарзини маҳаллабай ўрганиб бориш ва ўрганиш натижаларида аниқланган мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли масъулларга депутат сўровларини юбориш ва маҳаллий Кенгаш йиғилишларида муҳокама этиб бориш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг жорий йил 5 февралдаги 02/1-2160-сонли топшириғи ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги **"Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"**ги 104-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ишчи гуруҳининг **ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, туман шаҳар ҳокимларига:**

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш учун бериладиган ер участкаларини ҳамда давлат мулки бўлган бино ва иншоотларни аниқлаш мақсадида ҳудудларни ўрганиш;



туман (шаҳар)ларда ташқи реклама воситаларини жойлаштириш учун ҳар бир туманда камида **50 тадан** ер участкаларини "E-AUKSION" электрон савдосига чиқариш;

туман (шаҳар) молия бўлимлари билан биргаликда 2022 йил учун ташқи реклама воситаларида реклама жойлаштирганлик учун шартномалар имзоланишини ва йиғимларни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш;

ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилган рекламалар, шу жумладан, ижтимоий рекламалар ҳисобини юритиш;

туман (шаҳар) марказларида ва марказий кўчалар ёқасида жойлашган йирик савдо мажмуалари, савдо марказлари, умумий овқатланиш масканлари, ЯТТларга тегишли маиший хизмат уйлари, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ўзбошимчалик билан ўзларига тегишли бўлган бино ва ер участкаларида ноқонуний равишда ҳар хил ҳажмдаги темир, ёғоч қурилмали (конструкция) туман (шаҳар) кўркига салбий таъсир қилувчи пешлавҳа, эълон, чақирув, реклама воситалари жойлаштирилишининг олдини олиш учун махсус ишчи гуруҳлар тузиш ва **ҳар ойда икки марта** ўрганишни ташкил этиш;

йўлнинг қатнов қисмида жойлашган аҳоли турар жой биноларининг ташқи қисмида (балкон, лоджия, дераза, эшик ва бошқа тарафига) ҳар қандай турдаги шахсий эълонларни жойлаштирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

туман (шаҳар) ҳокимлари **ўн кун муддатда** ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш натижасида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар, ташқи рекламани жойлаштиришни тартибга солиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижалари тўғрисида вилоят ҳокимлигига батафсил ахборот киритилишини таъминласин.

Ушбу банднинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Қ.Астонов зиммасига юклатилсин.

16. Вилоят прокуратураси (**Ахмедов**)дан Навоий шаҳар ҳокимининг 2021 йил 17 майдаги "Навоий шаҳар ҳудудида ижара асосида вақтинчалик жисмоний ва юридик шахсларга "Видео экранли ташқи реклама"ларни ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида"ги Қ-202-сонли қарорининг қонунийлиги ҳамда ушбу қарор асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сонли қарори талабларига зид равишда тадбиркорлик субъектларига ташқи реклама воситалари ўрнатилишига рухсат берилганлиги юзасидан ўрганиб чиқиб ҳуқуқий баҳо бериш сўралсин.

17. Вилоят Халқ таълими бошқармаси (**Шамуротов**), Навоий давлат педагогика институти (**Собиров**), Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази (Рўзиқулов) билан биргаликда вилоят халқ таълими тасарруфидаги **7840 нафар тоифасиз ўқитувчилар**ни малакасини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкиллаштирсин.

Томди, Учқудуқ ва Зарафшон шаҳри ўқитувчилари учун - Зарафшон шаҳрида;

Нурота тумани, Ғозғон шаҳри ўқитувчилари учун - Нурота туманида;

Навбаҳор ва Конимех туманлари ўқитувчилари учун - Навбаҳор туманида;

Қизилтепа тумани ўқитувчилари учун - Қизилтепа туманида;

Хатирчи тумани ўқитувчилари учун - Хатирчи туманида;

Навоий шаҳар ва Кармана тумани ўқитувчилари учун - Навоий шаҳрида малакасини ошириш ва ўқитилиши бўйича шарт-шароитлар яратиб берилиши ташкиллаштирилсин.

**Назорати Я.Душановга.**

18. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (**Ҳамроев**)га вилоятдаги **28 та** мактабларда вакант бўлиб турган директор лавозимларига номзодларни ўрнатилган тартибда маҳаллий кенгашларда кўриб чиқилишини назоратга олиш тавсия этилсин.

19. Навоий (**Базаров**), Зарафшон (**Ражабов**) шаҳарлари, Хатирчи тумани (**Низамов**) ҳокимларига маҳаллаларда ёшлар етакчилари томонидан ўтказилган хатлов натижасида аниқланган 16-30 ёшдаги ёшларни **"yoshlarbalansi.uz"** электрон платформасига киритиш ишлари ўта суст даражада олиб борилаётганлиги, Кармана (**Умаров**), Томди (**Алдабергенов**), Нурота (**Файзиев**), Қизилтепа (**Файзиев**) туманлари ҳокимларига **"Ёшлар дафтари"** электрон базасига киритилган ёшларга амалий ёрдам бериш ишлари етарлича эътибор берилмаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Юқорида номлари келтирилган шаҳар, туман ҳокимлари **икки кун муддатда** кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилмаса уларга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

20. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Душанов, Мирзаев**), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Бахромов**), Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (**Ўроқов**), Спортни ривожлантириш бошқармаси (**Рахмонов**), Маданият бошқармаси (**Ниёзов**), тегишли масъуллар, шаҳар, туман ҳокимлари билан биргаликда маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш Республика комиссиясининг 2022 йил 17 мартдаги (18.03.22 й. 05-1-622-сон) йиғилиш баёнига асосан апрель-июнь ойларида ёшлар ўртасида китобхонлик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари, спорт турлари бўйича беш босқичли "маҳалла–сектор–туман–вилоят–республика" "Беш ташаббус олимпиадаси"ни юқори савияда ташкил этилишини ташкиллаштирсинлар.

Вилоят Молия бош бошқармаси (**Очилов**), шаҳар ва туман ҳокимлари мазкур олимпиадани ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш ҳамда ҳар бир маҳаллага спорт инвентарлари ва мусиқа асбоблари харид қилиш юзасидан зарурий маблағлар манбаалари юзасидан таклиф киритсин.



21. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари тегишли масъуллар билан биргаликда **уч кун муддатда** Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 31 июлдаги СҚ-361-IV-сон қарорига мувофиқ ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг кўрсаткичларини электрон ва имзоланган ҳолда вилоят ҳокимлигига тақдим этилишини таъминласинлар.

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Душанов**) ёшлар вакили томонидан олиб борилаётган ишларни шахсан ўз назоратига олиб, мазкур масалаларни муҳокама қилган ҳолда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар уч кунда** вилоят ҳокимига таҳлилий маълумот киритиб борсин.

22. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Атамуродов**):

Навбаҳор тумани ҳокими биринчи ўринбосари (**Хайруллаев**), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (**Расулов**), Марказий банк (**Пардаев**), бириктирилган вилоят Агро банк (**Елмуратов**) ва вилоят Халқ банки (**Бабақулов**) билан бирга **бир ҳафта муддатда** Навбаҳор туманида ташкил этилган кооперацияга ўрнатилган тартибда кредит маблағи ажратиш чораларини кўрсин;

вилоят Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши (**Қувондиқов**) **уч кун муддатда** Навбаҳор туманида ташкил этилган кооперацияга ўрнатилган тартибда ресурс маблағларини ажратиш чорасини кўрсин.

барча туман ва шаҳарларда кооперациялар ташкил этиш чоралари кўрилсин ва мазкур масала **кунлик муҳокама** этиб борилсин.

23. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Атамуродов**), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (**Расулов**):

ҳудудлардаги айрим ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳоли хонадонлари ўрганиш жараёнларида уларга берилган ваколатлардан фойдаланишда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланаётганлиги кўрсатиб ўтилсин ва йўл қўйилаётган камчиликлар зудлик билан бартараф этилсин;

"ҳоким ёрдамчилари" фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича **қўшимча чора-тадбирлар кўрилсин;**

**сектор раҳбарлари томонидан** "ҳоким ёрдамчилари"га яқиндан амалий кўмак бериб, улар томонидан кўтарилаётган масалаларни жойида ҳал этиш чораларини кўриш ва камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишларни тизимли равишда ташкиллаштирилишини таъминласинлар.

Навбатдаги **"ҳоким соати"** йиғилишида ҳудудлардаги "ҳоким ёрдамчилари" томонидан жорий йилнинг 1-чораги давомида олиб борилган ишлар юзасидан ҳисобот берилиши **белгилаб қўйилсин**.

24. Мазкур йиғилиш баённомаси ижросининг назорати вилоят ҳокимининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Баённомани расмийлаштирди** **Ш.Мамиров**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари
__________ Б.Бобомуродов
"___" __________ 2022 й.

# Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани инфратузилма тизимида ва ижтимоий соҳа объектларида Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 2022 йил МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

*(млн.сўм, жорий нархда)*

| № | Объектлар номи ва манзили | Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили | Лойиҳа қуввати | Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити: Жами капитал қўйилмалар | шу жумладан: Қурилиш - монтаж ишлари | шу жумладан: Жиҳоз | Буюртмачи бошқа харажатлари: Жами | Буюртмачи бошқа харажатлари: жумладан, сақлаш харажатлари | 2022 йилда фойдаланишга топшириладиган: Муддат/ қувват | 2022 йилда фойдаланишга топшириладиган: Асосий фонд суммаси | 01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | Экпертиза хулосаси рақами ва санаси | Тендер (танлов)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси | Қурилиш пудрат ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 7 | Вилоят бўйича жами: | | | | | | 2500,000 | 1643,500 | | 856,500 | | | | | | | |
| 1 | "Тағжаб" ОФЙ худудидаги "Мурувват уйи" нинг моддий-техник ахволи яхшилаш максадида реконструкция қилиш (кушимча 20 ўринли бино қуриш ) | 2022 й. | обект | * / * | * / * | * / * | 387,600 | 237,600 | | 150 | | обьект | * | | | | Тендер |
| 2 | "Кокши кала" МФЙ худудида 12*24 метр хажмда бўлган 1 та суный копламали спорт майдончаси қуриш | 2022 й. | обект | * / * | * / * | * / * | 114,000 | 54,000 | | 60 | | обьект | * | | | | Тендер |
| 3 | "Кенес" ОФЙ худудида 12х24 метр ҳажмда бўлган 1 та суный копламали спорт майдончаси қуриш | 2022 й. | обект | * / * | * / * | * / * | 114,000 | 54,000 | | 60 | | обьект | * | | | | Тендер |
| 4 | "Гужимли" МФЙ худудида 12х24 метр ҳажмда бўлган 1 та суный копламали спорт майдончаси қуриш | 2022 й. | обект | * / * | * / * | * / * | 114,000 | 54,000 | | 60 | | обьект | * | | | | Тендер |
| 5 | "Кенес" ОФЙ худудида янги Маҳалла биноси қуриш | 2022 й. | обект | * / * | * / * | * / * | 228,000 | 143,000 | | 85 | | обьект | * | | | | Тендер |
| 6 | "Кокши кала" МФЙ худудида янгидан 120 ўринли МТТ биноси қуриш | 2022 й. | обект | * / * | * / * | * / * | 1034,000 | 724,000 | | 310 | | обьект | * | | | | Тендер |
| 7 | "Таза жўл" ОФЙ 6-МТТ биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й. | обект | * / * | * / * | * / * | 273,600 | 193,600 | | 80 | | обьект | * | | | | Тендер |
| 8 | "Шахтемир", "Костерек", "Жипек жолы", "Темир жол гузары", "Тазгара", "Кара кол" МФЙ ва ОФЙларига 6 км ичимлик суви тармоғини янгидан тортиш. | 2022 й. | обект | * / * | * / * | * / * | 91,200 | 71,200 | | 20 | | обьект | * | | | | Тендер |
| 9 | "Дослык", "Каракол", "Конши" МФЙлар ва "Майжап", "Тазгара", "Камыс арык" ОФЙларда электр таъминотини яхшилаш учун 6 та янги трансформатор (160 ТП) ўрнатиш. | 2022 й. | обект | * / * | * / * | * / * | 109,400 | 85,400 | | 24 | | обьект | * | | | | Тендер |
| 10 | "Бердак", "Каракол" ва "Темир жол гузары" МФЙ худудларига 1 км газ кувурини янгидан тортиш ва худудларда айланма газ тармоғини хосил қилиш. | 2022 й. | обект | * / * | * / * | * / * | 34,200 | 26,700 | | 7,5 | | обьект | * | | | | Тендер |

"Киритилди"
Навоий вилояти ҳокимлиги
"Ягона буюртмачи хизмати"
Инжиниринг компанияси директори
__________ А.Турдиев
2022 йил "___" __________

"Келишилди"
Навоий вилояти ҳокимлиги
Молия Бош бошқармаси
бошлиғи
__________ Д.Очилов
2022 йил "___" __________

my.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 4275-7862-847d-966c-9457-8913-5433
Ҳужжат яратилинган сана: 2022-05-18
Ариза рақами: 51980282

Ҳужжат берилган: НАВОИЙ ВИЛОЯТ ХОКИМЛИГИ
КАПИТАЛ КУРИЛИШ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 204775508

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
Коракалпогистон
Республикаси Курилиш
вазирлиги бошлиғи
Ж.Бердиханов
18.05.2022 10:01

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИ**
18.05.2022 10:01 й.
1735-1735240-42568 -сон

| | |
|---|---|
| **Лойиҳавий бино (иншоот) тури:** | Янгидан мини футбол майдончаси курилиш ишларини лойхалаш учун. |
| **Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:** | Чимбой тумани “Гужимли” МФЙ худуди. |
| **Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:** | Новоий вилояти хокимлиги капитал курилиш “Инжиниринг компанияси”. |

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Қурилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: Коракалпогистон Республикаси Нукус шахри Гарезсизлик кучаси 59а тел 61-222-74-50

| # | Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари | Қисмларнинг мазмуни |
|---|---|---|
| 1 | **Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар** | Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги ҳузуридаги Архитектура-режалаштириш бюроси ДУК-нинг 2022 йил 17-майдаги №01-801-сонли хати. Чимбой туман Давлат хизматлари марказининг 2022 йил 04-мартдаги № 51980282-сон хати. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022-йил 13-майдаги 273-13-0-Q/22-сонли карори. Давлат объекти:Новоий вилояти хокимлиги капитал курилиш Инжиниринг компанияси. |

| | | |
|---|---|---|
| 2 | **Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тутган ўрни** | а) объектнинг расмий манзили (расмий манзили бўлмаган ҳолатда объект ҳудудига туташган ёки яқин масофада жойлашган бино ёки иншоот): Чимбой тумани “Гужимли” МФЙ худуди. б) объект жойлашган ҳудуд қайси зонага мансублиги (аҳоли пунктининг ҳаракатдаги ёки аввалги бош режасига асосан): Аҳоли яшаш пунктида (Селитибный зона строительства жилых и общественных зданий) зонаси; в) объект жойлашган ҳудуд муҳандислик тармоқлари билан таъминланганлиги / таъминланмаганлиги: таъминланган. |
| 3 | **Лойиҳалаштириладиган объект ҳудудининг табиий-иқлим кўрсаткичлари** | Лойиҳалаштирилаётган объектнинг ер участкаси мавсумий иқлим (климат) ҳудудида жойлашган. Ҳаво ҳарорати: ўртача йиллик - +15 градус С энг баланд ҳарорат - +44 градус С энг паст ҳарорат - -27 градус С Июнь — август ойларида- +35,+44 градус С Декабрь — февраль ойларида - ўртача -10,2 градус С Объект қурилишини лойиҳалаштириш жараёнида эрозия (емирилиш), селдан сақлаш, сув ва шамол эрозиясидан сақлаш тадбирлари белгилансин. |
| 4 | **Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги** | Ҳолатни ўрганиш учун «O’ZGASHKLITI» давлат унитар корхонасининг филиалига 1:500 нисбатдаги топохарита ишлаб чиқиш учун буюртма берилсин. |
| 5 | **Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга туташ объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот** | Лойиҳалаштириш учун танланган ер майдони қуйидагича чегараланган: Шимол томондан- куча Жануб томонда- 4Р-175 автомогистрали Шарқ томондан-турор жой имортаи Ғарб томондан-турор жой иморати |
| 6 | **«Қизил чизиқлар ва белгилар»** | Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, қурилиш чизиқларига амал қилган холда лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлансин. |

| | | |
|---|---|---|
| 7 | **Архитектура талаблари** | Лойиҳани ишлаб чиқишда: а) ҳаракатдаги шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларга амал қилинсин; б) аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режасига ва унинг тегишли қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳасига қатъий риоя этиб, объект атрофидаги мавжуд биноларга боғланган ҳолда ягона архитектура кўриниши (ансамбли) ташкил этиш лозимлиги инобатга олинсин; в) объектни реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишни бошлашдан олдин айрим ҳолатларда (буюртмачининг талабига биноан ёки ташқи кўринишидан авария ҳолатининг аломатлари мавжуд бўлганда) тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ва бошқаташкилотларнинг объектнинг ҳолати (конструкцияларнинг чидамлилик) бўйича хулосаси олинсин; г) ушбу архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқ буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳамда алоҳида муҳим объектлар бўйича вилоят Қурилиш бош бошқармаси билан келишилган лойиҳа топшириқларига ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин; д) объектнинг 1:500 нисбатдаги бош режасини лойиҳалаштиришда лойиҳа ташкилоти томонидан қайта ихтисослаштирилаётган ва реконструкция қилинаётган бино туширилган ҳамда объект атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари акс эттирилган, объектга кириш-чиқиш йўллари ва автомобиллар тўхташ жойлари ташкил этилиши назарда тутилсин; е) объектнинг баландлиги 1 қаватдан кам бўлмасин ёки 4 қаватдан ошмасин (ушбу кичик банд фақат аҳоли пунктининг бош режаси ва унинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда қуриш лойиҳалари мавжуд ҳолларда тўлдирилади); ж) объектда қуйидаги кичик архитектура шакллари ўрнатилиши назарда тутилсин: “Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг ривожланишини режалаштириш” ШНК 2.07.01-03*, “Жамоат бино ва иншоатлари” ШНК 2.08.02-09* талабларига қатъий риоя қилиш. |
| 8 | **Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар** | Лойиҳачининг лойиҳа топшириғига мувофиқ: а) қурилиш учун ажратилган ер участкасида бузилишга тушадиган бино ва иншоотларга аниқлик киритилсин; б) қурилиш учун ажратилган ер участкасида мавжуд бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилсин. |
| 9 | **Объектни босқичма-босқич қуриш** | Қурилишнинг мураккаблигига ва буюртмачи томонидан бериладиган лойиҳа топшириғига мувофиқ қурилишни босқичма-босқич олиб бориш ва фойдаланишга топшириш жараёнлари назарда тутилиши мумкин. |
| 10 | **Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш** | Лойиҳанинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида қуйидагилар: а) объектда игна баргли, манзарали ва бошқа дарахтлар ҳамда буталар ва гуллар экилиши; б) кўкаламзорлаштириш ҳудудларининг газон ўтлари билан қопланиши; в) ландшафт архитектурасининг ечимларидан фойдаланган ҳолда дарахтларнинг қандай шаклларда бўлиши инобатга олинсин. Курилиш учун ажратилган хар бир ер урнига ШНК 2.07.01-03 кукламзарлаштиришда белгиланган тартибда дарахт эгиш ва кукламзарлаштиришга куйилган талапларни уринлаши таминлансин. |

| | | |
|---|---|---|
| 11 | **Санитария-гигиена талаблари** | Лойиҳалаштиришда санитария-гигиена талабларига риоя этилсин. Лойиҳалаштириш жараёнида қурилиш материаллари турларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тақиқланмаган ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланилиши шартлиги кўзда тутилсин. Объект қурилиши учун танланган ер майдонидан оқиб ўтувчи канал ёки ариқ мавжуд бўлган тақдирда, лойиҳадаги сув йўналиши ҳамда сувнинг муҳофаза этиш масофаларини сақлаш ва қирғоқларни ободонлаштириш ва мустаҳкамлаш ишлари лойиҳалаштириш жараёнида инобатга олинсин. |
| 12 | **Ёнғиндан сақланиш талаблари** | Ёнғиндан сақланиш талаблари ШНК 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин. |
| 13 | **Экология талаблари** | Лойиҳалаштиришда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилинсин. |
| 14 | **Лойиҳани келишиш** | Лойиҳа архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқлигига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки давлат хизматлари маркази орқали қуйидагилар билан келишилсин: Қоракалпоғистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан тарихий зоналарда, шу жумладан маданий ёдгорликларнинг қўриқлаш зоналарида қуриладиган объектларнинг ҳамда давлат объектларининг лойиҳалари; бевосита Қоракалпоғистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги билан бошқа объектларнинг лойиҳалари келишиш учун электрон шаклда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилсин: 1) лойиҳанинг архитектурага оид қисми (тушунтириш хати (тушунтириш хатида лойиҳа-смета ҳужжатида ёнғин хавфсизлигига, санитария-эпидемиология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича ва бошқа йўналишларда бажарилган ишлар акс эттирилади)); 2) бино ва иншоотнинг фасадлари, қаватлар режалари, қурилиш объектининг бош режаси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳа ишлари ва инвестиция лойиҳаларини такомиллаштириш учун қўшимча чоралар ҳақида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарорига 2-иловада (Мураккаблик тоифаси бўйича объектлар классификацияси) келтирилган III тоифаларга мансуб объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини бевосита ўзлари санитария-эпидемиология ва ёнғинга қарши назорат хизматлари ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишадилар; қурилиш ҳажми 300 куб метрдан ортиқ бўлмаган объектларни бевосита ўзлари туман қурилиш бўлимлари билан келишадилар. |
| 15 | **Қўшимча талаблар** | Лойиҳа ташкилоти лойиҳани келишиш давомида Қоракалпоғистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги ёки унинг ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан берилган тавсиялар ва экспертиза хулосасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этади. Буюртмачи ўз хоҳишига кўра қурилиш ишлари тугагандан сўнг объект ҳудуднинг ижротопотасвирини (ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ҳолда) бажарилишини таъминлайди ва унинг бир нусхасини Қоракалпоғистон Республикаси Қурилиш Вазирлигига топширади. Лойиҳани ишлаб чиқишда зилзилага бардошлик талаблари инобатга олинсин. Қурилиш сахосида назарот килиш инспекциясидан руйхатдан утиш талаб этилади. |

## Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:

| | | |
|---|---|---|
| 16 | **Ичимлик сув тармоғи** | Ушбу ҳудудга яқин жойлашган сув тармоғига Чимбой тумани сув таъминоти кархонаси тамонидан берилган техник шартга асосан уланиш амалга оширилсин. |
| 17 | **Оқава сув тармоғи (канализация)** | Объект жойлашган ҳудудда канализация тармоғи мавжуд бўлмаганлиги сабабли қудуқ қазиб (выгребная яма) фойдаланиш тафсия этилади. |
| 18 | **Электр тармоғи** | Ушбу ҳудудга яқин келиб турган электр тармоғига Чимбой тумани электр тармоқлари кархонаси билан келишилган ҳолда берилген техник шартга асосан уланилсин. |
| 19 | **Газ тармоғи** | Ушбу ҳудудга яқин жойлашган табий газ тармоғига Чимбойтумангаз филиали тамонидан берилган техник шарт талаблари тўлиқ бажарилган ҳолда уланиш шарт. |
| 20 | **Телефон алоқа тармоғи** | Ушбу ҳудудудга келиб турган туман телекоммуникация тармоқлари филиалининг телефон тармоқларига берилган техник шартга асосан уланиш тафсия этамиз. |
| 21 | **Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи** | Автоном иссиқлик манбайдан ва Аристон ускунасидан фойданишни тафсия қиламиз. |
| 22 | **Дренаж тармоғи** | Ушбу худудда дренаж тармоғи мавжуд эмас. |
| 23 | **Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкилотига қўйилаётган талаблар** | Объектларни муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомилларни белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя этилиши таъминлансин. Объектга уланадиган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари унга чегарадош ўзга ер участкаларидан ўтказиладиган ҳолатларда муҳандислик коммуникацияларининг трассалари ушбу ер участкалари эгалари билан келишилсин. Объектга тегишли ер участкаси ҳудудидан ўтган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари кўчирилиши (зарурат бўлганда) лойиҳада инобатга олинсин. Объектга уланадиган ер ости муҳандислик коммуникацияларини ётқизишда кўчаларни ёпиқ холда кесиб ўтишни мутасадди ташкилотлар билан келишилсин. |
| 24 | **Қўшимча талаблар** | Қурилиш жараёнида ўрнатилган тартибда лойиҳа ташкилоти томонидан объектда муаллифлик назорати олиб бориш таъминлансин. |
| 25 | **Архитектура режалаштириш топшириғининг амал қилиш муддати** | Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғига амал қилиш муддати объект фойдаланишга топширилгунга қадар этиб белгиланади. |

Объект жойлашуви ва муҳандислик коммуникацияларга уланиш
СХЕМАСИ




Чимбой тумани Қурилиш булими бошлиғи Н.Сапаров.

## АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:

| | |
|---|---|
| **Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўлими раҳбари:** | Н.Сапаров |
| **Архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаган мутахассис:** | Г.Алламжарова |

BERDIXANOV JALGASBAY PIRIMBETOVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини repo.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

1699